



Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 29 декабрь ● сешанба ● № 55 (672) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

2010 йил — “Баркамол авлод йили”

Масъулият ҳисси

БҮГҮН республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий қиёфа касб этган мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар қод ростилаган. Уларни таъминлаган ёшлар пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги ўзлари истаган олий таълим муассасаларида таҳсилларини давом эттиришлари мумкин.



МЕН ҲАМ бу йил Фаргона ҳуқуқшунослик коллежи талабаси бўлдим. Ҳозирда маъмурий-ҳуқуқий фаолият йўналиши бўйича таҳсил олаётман. Коллежимиз ўтган 2008 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ҳар қандайдир фарғоналик олимга ҳамма ҳамма олимпиадалари, турли кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари орқали ҳам ўз иқтидоримизни намоян этишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунинг учун шинам, ёруғ ва жаҳон андозаларида жавоб берадиган ўқув анжомлари билан жиҳозланган синф хоналари, кутубхона ҳамда спорт зали бизнинг ихтиёрида.

Юртбошимиз Конституцияни қабул қилинганининг 17 йиллиги байрамига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида “Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривож

Шоҳсанам БОБОБЕКОВА, Фаргона ҳуқуқшунослик коллежи талабаси

“Адлия идоралари ОАВ нигоҳида”

Тадбир

танлови ғолиблари аниқланди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА жорий йил давомида журналистлар ҳамда ҳуқуқшунослар учун эълон қилинган “Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида” номли республика кўрик-танловининг якуни ҳамда ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

УНДА АДЛИЯ вазирлигининг масъул ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Эълон қилинган ушбу танлов, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга ошириладиган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида сифатли ёритиш ва уларнинг мазмундорлигини ошириш мақсадида ўтказилди.

Кўрик-танловга иштирокчилар томонидан “Энг яхши телелавҳа”, “Энг яхши радиоэшиттириш”, “Энг яхши мақола” ва “Энг яхши интернет материали”, “Энг яхши видеоролик” йўналишларида турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатилган 60 дан ортиқ телерадио, босма нашрлар ҳамда ҳуқуқшунослар томонидан мақолалар тақдим этилди.

Танлов натижаларига кўра, “Самарқанд-СТВ” ижодий уюшмаси, ORIAT TRK, “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси, Ўзбекистон спорт киноси ва телевидение федерацияси Адлия вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, “Ўзбекистон” телерадиоканали “Ахборот” инфорацион-таҳлилий эшиттиришлар муҳарририяти, “Region.uz” газетаси жамоаси, Тошкент Давлат юридик институти II ва III даражали дипломлар ва совғаларни кўлга киритишди.

Таъкидланишича, 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида Адлия вазирли-

ги томонидан 40 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилди. 15 мингга яқин бевосита учрашув тарзидаги тарғибот ишлари оlib борилди. Бундай тарғибот тадбирлари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам кенг миқёсда ўтказилмоқда. Бу борада республика, маҳаллий матбуот ҳамда телевидение ва радиолар вазирлига яқиндан ёрдам бермоқда. Ўтказилган турли йўналишдаги танловлар эса материалларнинг сифат ва мазмундорлигини янада оширишга ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, интернет журналистикаси янада ривожлантириш масаласи ҳам Адлия вазирлиги Ахборот хизмати эътиборида эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Бундан ташқари, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг 2010 йилдан бошлаб “Ҳуқуқ билимдонлари” қувноқлар ва зукорлар беллашувини доимий равишда ҳамкорликда ўтказиш юзасидан қабул қилинган қўшма қарори ва беллашувни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом юзасидан маълумотлар берилди. Таъкидланишича, ушбу кўрик танлов ҳар йили ҳуқуққа ихтисослашмаган коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида ташкил этилиб, унинг қамрови доира-си кенгайтирилади. Хусусан, танлов шартлари бир мунча такомиллаштирилиб, ғолибларни кўпроқ рағбатлантириш режалаштирилди.

Тадбир якунида, мазкур Республика кўрик-танловини ҳар йили доимий равишда ўтказиш ва унинг қамровини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Ёруғлик

Оилани азиз билиб...

ОИЛАГА ОИД қонунларнинг муҳим вазифаси — фуқароларнинг оила олдидagi ўз масъулиятларини ҳис қилиш руҳида тарбияладан иборат. Бунда эр ва хотин, ота-оналар ва болалар ўртасидаги қонун билан белгиланган мажбуриятларни бажариш муҳим ўрин тутadi.

ИНСОНПАРВАР қонунларимизда оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида улуғланади, оила, оналик, оталик, болалик давлат ҳимоясидадир. Шу билан бирга ота-оналар ва фарзандларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам акс этган. Ота-оналарнинг вазифаларидан бири — болаларни меҳнатсёрвар, жамият қурилишининг фаол иштирокчилари қилиб Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Оила кодексининг 10-моддасида оила аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишларида ҳамда мажбуриятларини бажаришларида оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шартлиги белгилаб қўйилган.

Мустақил юртимизда оилани мустаҳкамлаш, уни жамиятнинг раванг топишида тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ихтимойий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини яхшилашнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга катта эътибор қаратилган.

Айни пайтда эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тиббий қуриқнинг аҳамияти, репродуктив саломатлик, тиббий маданиятни ошириш масалалари юзасидан ФХДЭ органлари қошида фаолият юритаётган “Оила дорлуфунчлари” да никоҳланувчи шахсларга тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, оилавий ҳаётга тайёрлашда асосий эътиборни ўсиб келаётган авлод, келгусида оила қурайдиган шахслар, жумладан, ўрта-махсус, касб-хунар коллежларининг ўқувчиларига қаратиш лозимлиги ҳамда айнан улар билан ўтказиладиган машғулотлар ўз самарасини беришини инобатга олиб, ушбу ўқув юрталарининг 3-босқич талабаларига ФХДЭ қошидаги “Еш оила қурувчилар” мактаби ўқув машғулотлари ташкил этилди. Мазкур масала юзасидан жойларда тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик режалари тузилди. Республикада 2009-2010 ўқув йиллари учун тузилган режага кўра 4046 мартаба ўқув машғулотлари ўтказилиб, уларда 199248 нафар талабалар иштирок этишди.

Оила кодексининг 218-моддасига биноан вояга етмаган фарзандлари ҳамда мол-мулк низо-лари юзасидан даъво жанжали бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ажратилади. Уларнинг бу ҳақда бериладиган эътибори асос бўлади.

ФХДЭ органларига никоҳдан ажралишни қайд этишда жойлардаги яраш-тирув комиссияларининг ҳулосалари талаб қилинади. Бу ўз навбатида ажралишлар камайишида ва оилани сақлаб қолишда ўз самарасини бермоқда.

Ҳасан НАСИМОВ, Нотариат, ФХДЭ ва адвокатура бошқармаси катта маслаҳатчиси



Тадбирдан лавҳалар

Жамиятни демократлаштириш сари

“ЖАМИЯТНИ демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш — Ўзбекистон таърибаси” мавзудаги халқаро илмий-амалий конференция мате-риаллари тўплами чоп этилди.



Суд-ҳуқуқ тизимини модернизация ва ислоҳ қилишнинг муқобили бўлмаган янги

миллий концепцияси ишлаб чиқилди ва у самарали амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдига Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури доирасида 2008 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш — Ўзбекистон таърибаси” мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди.

Мамлакатимизнинг жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги таърибасини кенг оммага етказиш

Янги китоблар

Кенг қамровли ислоҳот ифодаси

УШБУ МАҚОЛАНИ таъкидлашимиз керак — Бўритош Мустафаевнинг икки китобдан иборат “Истиқлолнинг залворли қадамлари. Ҳуқуқий демократик давлат сари” асарини ўқиб, қоғозга тушираймиз. (Биринчи китоб “Адолат” нашриёти 2006 йил, 2-китоб Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2009 йил чоп этилган). Китобга сўзбоши ёзган атоқли

ҳуқуқшунос олим Акмал Саидов: “Ушбу китоб билан танишар экан, китоб-хон мамлакатимизда Президентимиз И.Каримов раҳнамолигида изчиллик билан татбиқ этилаётган ҳаётимизнинг барча жа-ҳаларини демократлашти-риш ва эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотлар не-гизиде тарихан қисқа давр ичида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва



Тарғибот

Меҳр-оқибат ва эзгулик йўлида

Янги йилга пешвоз чиқаямиз

ЎТАЁТГАН ЙИЛДА ҳам инсоният дунёвий муаммолар қаршида ўз тақдирини таҳлил қилди, десак янглишмай-миз. Одам савдоси инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказиб, уни хўрликка мубтало қилади. Ушбу жиноят замирида қуллик, ҳарбий тўқнашуларда улардан фойдаланиш, инсонларни таҳқирлаш, энг асосийси зўрлик билан уларни энг жирканч ишлар билан шуғулланишга мажбурлаш каби ғоялар акс этади.

МАЪЛУМКИ, ҳар бир инсон яхши яшашни, иқтисодий мукамал бўлишни орзу қилади. Кўпчи-

лик бунга имкони борича осон йўллар билан эришиш йўлларини излайди. Мана шундай инсонлар-

нинг аксарият қисми одам савдоси каби жирканч жиноятнинг қурбонларига айланиб қолмоқда.

Ушбу жиноятларнинг олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Айниқса, Олмалиқ шаҳар “Ижтимоий иқтисодиёт ва

сервис” касб-хунар коллежида ўтказилган учрашув ғоятда самарали бўлди. Унда талабалар ушбу жиноятнинг салбий оқибатларини ўрганиш баробарида, ушбу жиноятдан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилганлигини билиб олдилар. Шунингдек, ушбу тадбир жонли тарзда ўтказилдики, бунда нафақат маърузачилар, балки ёшларнинг ўзлари ҳам интерактив усулларда фаол иштирок этдилар. Бундай учрашувлар яна кўплаб коллеж ва

мактабларда ўтказилди. Мақсад эса битта ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни турли алдов турларига тушиб қолмасликларига эришишдан иборат.

Бугун янги — 2010 йил арафасида келаётган йил инсонларга меҳр-оқибат улашадиган, эзгулик йили бўлсин, деб ният қиламиз.

Хатирям ГАИТОВА,
Олмалиқ шаҳар 1-сонли
Давлат нотариал
идорасининг
давлат нотариуси



Хурматли юртдошлар!

“Асака” банки (ОАЖ) жамоаси Сизларни кириб келаётган Янги 2010 йил билан чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонат

“Янги йил 2010”

Хорижий валютадаги омонатлар

1. “СТАБИЛЬНЫЙ” ЕВРОДА.

Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

2. “УНИВЕРСАЛ” АҚШ ДОЛЛАРИДА.

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: “Асака” банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

“Асака” банки (ОАЖ)

сармоянгиз сақланиши

ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.



	Филиаллар	коди	телефон рақами
1.	Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2.	Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3.	Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	371	225-16-46
5.	Сирғали филиали	371	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8.	Асака филиали	374	233-13-69
9.	Фарҳод филиали	374	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11.	Марғилон филиали	373	237-12-37
12.	Олтариқ филиали	373	432-10-11
13.	Кўқон филиали	373	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	436	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18.	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20.	Афросиёб филиали	366	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11



Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!



Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан
нашр этилади

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
Ахборот агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош
муҳаррир:
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўристон Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич

Матрасулов Давлатназар
Раҳимберганиевич
Тураев Тура Эргашевич
Сандов Шоқир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тулқин
РАУПОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва сақлаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳақда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй, Буюк Турон Г-1115. Тиражи — 12863. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 19.00. — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 4 5